

**ТАСДИҚЛАЙМАН”**  
**Қашқадарё вилоят статистика**  
**бошқармаси бошлиғи**  
**Ф.С.Тўраев**  
“ \_\_\_\_\_ ” **2017** йил

**Ишбилиармонлик мухити кузатувлари, тадбиркорликни ривожлантириш, ташқи  
иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси бўлими тўғрисидаги  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

Мазкур Низом Қашқадарё вилоят статистика бошқармасининг Ишбилиармонлик мухити кузатувлари, тадбиркорликни ривожлантириш, ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси бўлимининг (кейинги ўринларда Бўлим деб аталади) мақоми, асосий вазифалари ва функциялари хуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, унинг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

1. Бўлим Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3165-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган ва Қашқадарё вилоят статистика бошқармасининг (кейинги ўринларда Бошқарма деб аталади) таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

2. Бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги қонуни ва бошка қонунларига, Олий Мажлиснинг норматив қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларига, “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тўғрисида”ги Низомга, мазкур Низомга, шунингдек бошка қонун ҳужжатларига амал қиласди.

3. Бўлим ишбилиармонлик мухитини, тадбиркорликни ривожлантириш ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси бўйича ахборотларни шакллантириш ва таҳлил қилиш соҳаси бўйича статистика ишларини ташкил этиш бўйича фаолиятини Давлат статистика қўмитаси марказий аппаратининг таркибий бошқармалари, туманлар ва шаҳарлар статистика бўлимлари (кейинги ўринларда ҳудудий статистика органлари деб аталади) билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

4. Бўлим ўз фаолиятини вилоят статистика бошқармаси раҳбарлигига амалга оширади.

Бўлим ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича бошқарма бошлигининг биринчи ўринбосарига бўйсунади.

## 2-боб. Бўлимнинг вазифалари ва функциялари

6. Қуйидагилар Бўлимнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

*a) ишбилармонлик мұхити кузатувлари, тадбиркорликни ривожлантириши, ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси соҳасида ягона сиёсатни ишлаб чиқши ва амалга ошириши, статистикани ташкил этишининг самарали тизимини таъминлаш, шунингдек фаолиятни мувофиқлаштириши ва функционал тартибга солиш соҳасида:*

ишбилармонлик мұхити кузатувлари, тадбиркорликни ривожлантириш, ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси маълумотларидан фойдаланувчиларнинг талабларини ўрганишни ҳисобга олган ҳолда истиқболли мақсадлар ва йўналишлар бўйича статистик кўрсаткичларни жорий этиб бориш;

Давлат статистика ишлари дастурининг Ишбилармонлик мұхити кузатувлари, тадбиркорликни ривожлантириш, ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикасига оид қисми бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва тақдим этиш;

ишбилармонлик мұхити кузатувлари, тадбиркорликни ривожлантириш, ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси соҳаси бўйича таҳлилий салоҳиятни мустаҳкамлаш, Давлат статистика ишлари дастурининг мазмунини доимий равища таркибий ва бозор ислоҳотлари, иқтисодиёти тармоқлари ва секторларида ислоҳотларнинг боришини тавсифловчи тегишли мақсадли кўрсаткичлар билан ўзаро боғлиқлигини ошириш бўйича зарур чораларни кўриш;

давлат статистикаси тамойилларига риоя этилишини ва ишбилармонлик мұхити кузатувлари, тадбиркорликни ривожлантириш, ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси соҳаси бўйича халқаро стандартларга мувофиқ бўлган статистик методологиянинг ягоналигини таъминлаш;

ишлаб чиқиладиган норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларига Бўлим ваколати доирасидаги таклифлар ишлаб чиқишида иштирок этиш.

*б) халқаро стандартларга мувофиқ бўлган ишбилармонлик мұхити кузатувлари, тадбиркорликни ривожлантириши, ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси методологиясини ҳамда давлат статистика кузатувлари шаклларини ишлаб чиқши, тасдиқлаш ва жорий этиши соҳасида:*

макроиқтисодий, тармоқ ва худудий даражаларда ўрганилаётган ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг қамровини кенгайтиришга қаратилган ишбилармонлик мұхити кузатувлари, тадбиркорликни ривожлантириш, ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси маълумотларини йиғиши ва қайта ишлашнинг замонавий методологияси ва методикаларини кенг жорий этиш йўли билан статистик кузатувлар тизимини умум қабул қилинган халқаро амалиётга янада мослаштириш бўйича ишларни мувофиқлаштириш;

ишбилармонлик мұхити кузатувлари, тадбиркорликни ривожлантириш, ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси соҳасида холис, сифатли ва долзарб ҳисобот маълумотларини тайёрлашни мувофиқлаштириш ва идоравий кузатувлар шаклларини келишишида иштирок этиш;

ишбилармонлик мұхити кузатувлари, тадбиркорликни ривожлантириш, ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси бүйича жамият әхтиёжларига мувоғиқ халқаро меңдерлар ва қоидалар ҳамда илмий ишланмаларга асосланған ҳолда ахборотларни тайёрлаш методологиясини, маълумотларни йигиши, қайта ишлаш, сақлаш, таҳлил қилиш ва етказиб бериш тизимини такомиллаштириш;

жамият әхтиёжларига мувоғиқ ишбилармонлик мұхити кузатувлари, тадбиркорликни ривожлантириш, ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси соҳасидаги илғор хорижий тажрибани ўрганади, умумлаштиради ва оммалаштириш, халқаро тавсиялар асосида кўрсаткичларни ҳисоблаш методикаларини доимий равища такомиллаштиришни амалга ошириш.

*в) ижтимоий-иктисодий ҳодисалар, жараёнлар ва уларнинг натижалари тўғрисидаги статистик ахборотларни йигиши, қайта ишлаш, тўплаш, сақлаш, умумлаштириш, таҳлил қилиши ва эълон қилиши соҳасида:*

Давлат статистика ишлари дастурининг ишбилармонлик мұхити кузатувлари, тадбиркорликни ривожлантириш, ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикасига оид қисмини бажарилишини таъминлаш;

вилоятни, унинг ҳудудларини, иқтисодиёт тармоқлари ва секторларини ижтимоий-иктисодий ривожлантириш давлат дастурларининг бажарилиши юзасидан давлат статистика кузатувларини Бўлим ваколати доирасида ташкил этиш ва амалга ошириш;

ишбилармонлик мұхити кузатувлари, тадбиркорликни ривожлантириш, ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси соҳасига оид давлат статистика ҳисботларини электрон кўринишида, зарур ҳолларда қоғоз кўринишида йигишини ва бошқа кузатувларни ташкил этиш;

ишбилармонлик мұхити кузатувлари, тадбиркорликни ривожлантириш, ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси бүйича статистик кўрсаткичларнинг статистик ҳисоб-китобларини амалга ошириш ҳамда дастлабки статистик таҳлилини олиб бориш;

ишбилармонлик мұхити кузатувлари, тадбиркорликни ривожлантириш, ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси бүйича статистик ҳисбот кўрсаткичларининг ва ўтказилган танланма кузатувлар натижаларининг тезкорлиги, ишончлилиги ва холислигини, статистик ахборотларнинг қулайлиги, очик-ойдинлиги ва ошкоралигини кенгайтириш бүйича чора-тадбирларнинг амалга оширилишини таъминлаш;

ишбилармонлик мұхити кузатувлари, тадбиркорликни ривожлантириш, ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси бүйича статистик ишларни ташкил этишнинг статистик ахборотларини йигиши, қайта ишлаш ва умумлаштириш тартибиға давлат органлари ҳамда маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг ҳар қандай аралашувини истисно қиладиган тизимини яратиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

хўжалик юритувчи субъектларга ишбилармонлик мұхити кузатувлари, тадбиркорликни ривожлантириш, ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикасига оид давлат статистика ҳисботи кўрсаткичларини ишончли тақдим этишда ҳар томонлама кўмаклашиш;

ишбилармонлик мұхити кузатувлари, тадбиркорликни ривожлантириш, ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси бүйича ахборот-статистик маълумотлар

базасини шакллантириш, юритиш ва янгилаб боришини амалга ошириш, фойдаланувчиларга улардан фойдаланишга доир тушунтиришлар бериш;

олинган статистика маълумотларининг махфийлигини, бирламчи ҳисобот маълумотларидан юридик шахсларнинг фаолиятини, бошқа хусусиятларини ёки микдор кўрсаткичларини расмий тасдиқлаш мақсадида фойдаланишга йўл қўймасликни, давлат сирларига эга бўлган статистика маълумотларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш;

конунчилликка мувофик, Бўлим иш фаолияти жараёнида вужудга келган архив хужжатларини саралаш, сақлаш, ҳисобга олиш ва улардан фойдаланиш бўйича ишларни амалга ошириш;

Ишбилармонлик муҳити кузатувлари, тадбиркорликни ривожлантириш, ташки иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси соҳасига оид махфий статистик маълумотларни ўз ичига олган ахборотларни сақлаш ва ҳимоялашнинг тегишли тартибини таъминлаш.

*г) белгиланган тартибда давлат органлари, юридик шахслар, халқаро ташкилотлар ва аҳолини ишбилармонлик муҳити кузатувлари, тадбиркорликни ривожлантириши, ташки иқтисодий фаолият ва савдо статистикасига оид маълумотлар билан таъминлаш соҳасида:*

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган қарорлари ижроси юзасидан Бўлим ваколати доирасида йиллик ва чораклик статистик ҳамда таҳлилий материалларни тайёрлашда иштирок этиш;

ишбилармонлик муҳити кузатувлари, тадбиркорликни ривожлантириш, ташки иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси бўйича очиқ статистик маълумотларни давлат статистика органлари, бошқа давлат органлари, халқаро ташкилотлар нашрларида жойлаштириш учун ва барча фойдаланувчиларга статистик маълумотлардан фойдаланиш учун тенг имкониятлар яратилишини таъминлаш;

оммавий ахборот воситаларида жойлаштириш учун ишбилармонлик муҳити кузатувлари, тадбиркорликни ривожлантириш, ташки иқтисодий фаолият ва савдо соҳасида юз бераётган ўзгаришларни ифодаловчи таҳлилий маълумотлар, диаграммалар, графиклар ва пресс-релизлар тайёрлаш;

ишбилармонлик муҳити кузатувлари, тадбиркорликни ривожлантириш, ташки иқтисодий фаолият ва савдо статистикасига оид статистик кузатувлар ва расмий статистик маълумотларни тарқатиш бўйича ташкил этиладиган ахборот-тушунтириш ишларида иштирок этиш.

7. Бўлим ўз зиммасига юклangan вазифаларни бажариш учун қуидаги функцияларни амалга оширади:

давлат статистикаси тизимида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш, фойдаланувчиларнинг вилоятда ишбилармонлик муҳити кузатувлари, тадбиркорликни ривожлантириш соҳасини тўлиқ очиб берувчи кўрсаткичлардан эркин фойдаланишларини таъминлайди;

ишбилиармонлик мұхити кузатувлари, тадбиркорликни ривожлантириш, ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси амалиётіга замонавий ахборот-коммуникация ресурслари ва технологияларини жорий этишни амалга оширади;

замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда, ишбилиармонлик мұхити кузатувлари, тадбиркорликни ривожлантириш, ташқи иқтисодий фаолият ва савдо соҳаси бўйича асосий статистик кўрсаткичларнинг такомиллаштирилган маълумотлар базасинининг яратилиши ва юритилишини, унинг мунтазам равишда тўлдирилиб ва янгиланиб борилишини таъминлади;

ишбилиармонлик мұхити кузатувлари, тадбиркорликни ривожлантириш, ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси бўйича ахборотлардан фойдаланувчиларга реал вакт режимида кўрсаткичлардан эркин фойдаланиш имконини берувчи статистик маълумотлар базасини ишлаб чиқишида ва юритишида иштирок этади;

ишбилиармонлик мұхити кузатувлари, тадбиркорликни ривожлантириш, ташқи иқтисодий фаолият ва савдо соҳаси бўйича давлат статистика кузатуви шаклларини электрон шаклда тақдим этиш ва электрон ҳужжат айланиши тизимини жорий қилиш ишларини ташкил этади, бу йўналишда худудий статистика органлари фаолиятини мувофиқлаштиради;

Бўлимнинг иш усуллари ва шаклларини янада такомиллаштириш, фуқаролар ва юридик шахслар мурожаатларига ўз вақтида муносабат билдириш, ходимларнинг юклатилган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун шахсий масъулиятларини ошириш соҳасида:

ишбилиармонлик мұхити кузатувлари, тадбиркорликни ривожлантириш, ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси соҳаси методологияси, статистик ишларни ташкил этиш ва уларни бажариш масалалари бўйича бошқарманинг бўлинмаларига, худудий статистика органларига амалий ёрдам кўрсатади;

Давлат статистика ишлари дастурига мувофиқ, Бошқарма раҳбарияти топшириғига асосан ишбилиармонлик мұхити кузатувлари, тадбиркорликни ривожлантириш, ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси бўйича маълумотлар тайёрлайди;

Бўлимнинг услубий, иқтисодий, ташкилий ва статистик ишлари режаларини шакллантиради ва уларнинг ижросини таъминлади;

Бўлим ўзига юклатилган вазифалар ва функцияларни тўлиқ, ўз вақтида ва сифатли бажарилишини Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган иқтисодиётнинг энг мухим устивор йўналишларини, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясини, иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилиш бўйича ишлаб чиқилган дастурларда белгиланган вазифаларни ҳамда вилоятдаги ижтимоий ва иқтисодий ривожланишнинг тенденциясини (холатини) ҳисобга олган ҳолда таъминлади.

Бўлим белгиланган тартибда ўзига юклangan бошқа функцияларни ҳам бажаради.

### **3-боб. Бўлимнинг хукуқлари ва жавобгарлиги**

8. Бўлим ўзига юклangan вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги хукуқларга эга:

худудий статистика бўлимлари томонидан ишбилиармонлик муҳити кузатувлари, тадбиркорликни ривожлантириш, ташки иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси соҳасида ягона сиёsatни амалга ошириш ишларини мувофиқлаштириш;

ишбилиармонлик муҳити кузатувлари, тадбиркорликни ривожлантириш, ташки иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси соҳасига оид давлат статистика кузатуви шаклларини ўзгартириш ва уларни тақдим этиш тартиби, давлат статистика кузатувларини ўтказиши усуллари, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг идоравий статистик кузатув шакллари бўйича таклифлар бериш;

статистика мақсадларида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа юридик шахслардан (зарурат бўлганда уларнинг ваколатхона ва филиалларидан) белгиланган тартибда давлат статистика ҳисоботини олиш ҳамда ундан статистика мақсадларида фойдаланиш;

ишбилиармонлик муҳити кузатувлари, тадбиркорликни ривожлантириш, ташки иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси бўйича юридик ва жисмоний шахсларнинг, шу жумладан, хусусий тадбиркорлар фаолиятининг давлат статистика кузатувларини олиб бориш ва олинган маълумотлардан статистика мақсадларида фойдаланиш;

Бўлимга юклangan вазифалар, функциялар ва статистик ишларни бажариш мақсадида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, ташкилотлардан белгиланган тартибда маълумот ва тушунтиришлар олиш;

ишбилиармонлик муҳити кузатувлари, тадбиркорликни ривожлантириш, ташки иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси соҳасига оид методик, статистик ишлар ва расмий статистик маълумотлар юзасидан ахборот-тушунтириш ишларини олиб бориш;

ишбилиармонлик муҳити кузатувлари, тадбиркорликни ривожлантириш, ташки иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси бўйича маълумот ва кўрсаткичлардан ноўрин фойдаланиш ва уларга нотўғри шарҳ бериш ҳолатларини кўриб чиқиш ва улар юзасидан тушунтириш бериш;

қабул қилиб олинаётган статистик маълумотларнинг тўлиқлилиги, ишончлилиги ва холислигини экспертизадан ўтказиши;

давлат статистика маълумотларида бузилишлар аниқланган тақдирда, уларни бартараф этиш тўғрисида кўрсатмалар бериш ва йиғма давлат статистика маълумотларига тегишли тузатишлар киритиш;

ишбилиармонлик муҳити кузатувлари, тадбиркорликни ривожлантириш, ташки иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси соҳасига оид масалалар юзасидан ҳалқаро статистика ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш, семинар ва йиғилишларда, шунингдек ҳалқаро семинар ва йиғилишларда иштирок этиш;

ишбилиармонлик муҳити кузатувлари, тадбиркорликни ривожлантириш, ташки иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси кузатувларини ташкил этиш ва методологиясини такомиллаштириш бўйича Бошқарма раҳбариятига таклифлар киритиш;

Давлат статистика ишлари дастури, Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастури, Давлат статистика ишлари иш режалари, Бўлим иш режасининг тузилиши ва мазмуни бўйича Бошқарма раҳбариятига таклифлар киритиш;

Бўлим ваколатига кирадиган масалалар бўйича бошқарма бўлимлари билан ҳамкорлик қилиш;

Бўлим қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ҳукукларга эга бўлиши мумкин.

9. Бўлим қўйидагилар учун жавобгар:

ўзига юклangan вазифаларни самарали ва лозим даражада бажариш;

ваколатига кирувчи таҳлилий ва бошқа материалларни юқори даражада тайёрлаш;

давлат статистикаси принципларига амал қилиш, илғор ҳалқаро амалиётга мувофиқ фойдаланилаётган усуллар ва методикаларни доимий равишда такомиллаштириш;

Бўлим ходимлари томонидан белгилangan норматив-хукукий хужжатларга мувофиқ ижро интизомини таъминлаш.

#### **4-боб. Бўлим тузилмаси**

10. Бўлимнинг тузилмаси ўз ичига Бўлим бошлигини, шунингдек:

Бўлим таркибига бўлим бошлиғи ўринбосари, бош ва етакчи мутахассислар, 1-тоифали мутахассислар киради.

11. Бўлимнинг ишига Бўлим бошлиғи раҳбарлик қиласди.

12. Бўлим бошлиғи, Бўлим бошлиғи ўринбосари ва мутахассислари Бошқарма бошлиғи томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

13. Тадбиркорлик статистикаси бўйича йиғма таҳлилий ахборотларни шакллантиришда қўйидагиларни амалга оширади:

тадбиркорлик фаолияти ривожланиши тўғрисида йиллик ва чораклик статистик ва аналитик материалларини тайёрлаш;

олинган статистик маълумотлар асосида иқтисодиёт соҳаларининг ривожланиши ҳолати тўғрисидаги таҳлилий маълумотлар ва пресс-релизларни тайёрлаш;

олинган статистик маълумотлар асосида, ҳудудларнинг иқтисодий ривожланиш тенденциялари ва даражасини акс эттирувчи таҳлилий маълумотларни тайёрлаш;

худудлар бўйича ишбилармонлик муҳити статистикаси маълумотларини ўзаро боғлиқлиқда таҳлил қилиш;

халқаро статистика ташкилотлари томонидан статистик маълумотларни тарқатишининг замонавий тенденциялари ва концепцияларини ўрганиш асосида очиқ статистик-таҳлилий маълумотларни бошқарма веб-сайтида нашр этилиши учун тақдим этиш;

кўрсаткичларнинг динамик қаторларини юритиш;

маълумот тақдим этиш ва ахборот-тушунтириш ишларини қўшган ҳолда респондентлар ва маълумотларнинг фойдаланувчилари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш.

14. Тадбиркорлик субъектларини тизимли статистик кузатувлари бўйича қўйидагиларни амалга оширади:

тадбиркорлик статистикаси бўйича танманма кузатувларини олиб бориш, тайёрлаш ва такомиллаштиришда иштирок этиш;

тадбиркорлик субъектларини танланма кузатувларни ташкил қилиш;

тадбиркорлик субъектлари кўрсаткичларини хисоблаш ва баҳолаш, амалдаги статистик маълумотлар билан таққослашни ўтказиш;

худудий статистика органлари билан ҳамкорликни мувофиқлаштириш;

маълумот тақдим этиш ва ахборот-түшунтириш ишларини қўшган ҳолда респондентлар ва маълумотларнинг фойдаланувчилари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш

тадбиркорлик субъектлари, корхона ва ташкилотлари, асосий фондларнинг харакатини, корхоналарнинг молиявий барқарорлигини ва ривожланишини акс эттирувчи маълумотларни йиғиши, қайта ишлаш, сақлаш, таҳлил қилиш ва етказиб бериш;

**15. Ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси бўйича бўлим қўйидагиларни амалга оширади:**

ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси бўйича ахборотларни шакллантириш ва таҳлил қилиш соҳасида Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариши дастурига асосан ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси ахборотларини йиғиши, қайта ишлаш, сақлаш, жамлаш, таҳлил қилиш ва чоп этиши;

ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси ахборотларини шакллантириш масалалари бўйича ҳудудий органлар фаолиятини мувофиқлаштириш;

ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси соҳасида илмий асосланган методологияни жорий этиш соҳасида ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси ахборотларини шакллантириш бўйича қабул қилинган услубий хужжатларни амалиётда қўлланишишини таъминлаш;

худудий статистика органлари томонидан, ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси соҳасига оид давлат статистика кузатувларини ягона статистика методологияси асосида ташкил этиш ишларини мувофиқлаштириш;

замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш соҳасида ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистика ҳисботларини электрон шаклда тақдим этиш ва электрон хужжат айланиши тизимини жорий қилиш ишларини ташкил этиш, бу йўналишда ҳудудий статистика органлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда, ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси асосий кўрсаткичларининг такомиллаштирилган маълумотлар базасини юритиши.

### **5-боб. Бўлимнинг фаолиятини ташкил этиши**

**16. Бўлимнинг иши Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги қонуни, Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Давлат статистика ишлари дастури, Давлат статистика қўмитаси томонидан тасдиқланадиган Давлат статистика ишларини ишлаб чиқиш дастури, Қашқадарё вилоят статистика бошқармаси тўғрисидаги низом, мазкур Низом, Бошқарма бошлигининг бўйруқлари ва топшириқларига мувофиқ, шунингдек Бошқарманинг иш режалари, Бўлимнинг иш режалари ва Бўлим ходимларининг функционал вазифалари асосида ташкил этилади.**

Бўлимнинг иш режаси Бошқарма бошлиғи томонидан тасдиқланадиган вилоят статистика бошқармасининг иш режалари асосида шакллантирилади ва бошқарма бошлиғи томонидан тасдиқланади.

Ходимларнинг функционал вазифалари Бўлим бошлиғи томонидан бўлимага юклangan вазифалардан келиб чиққан ҳолда тайёрланади ва Бошқарма бошлиғи томонидан тасдиқланади.

### **17. Бўлим бошлиғи:**

Бўлимга бевосита раҳбарликни амалга оширади, ўз ўринbosари, бўлим бошлиқлари ва мутахассисларнинг ишини ташкил қилади, Бўлимга юклangan вазифа ва функцияларнинг лозим даражада бажарилиши, ижро ва меҳнат интизомининг ҳолати учун шахсан жавоб беради;

Бўлимнинг тасдиқланган тузилмаси ва штат жадвалига мувофиқ лавозимларга тавсия қилинган номзодлар, ходимларнинг касбий даражаси ва иш малакасини ошириш, уларни рағбатлантириш ва жазолаш чоралари бўйича таклифларни пухта ишлаб чиқади ва раҳбариytга кўриб чиқиш учун киритади;

Бўлимнинг иш режаси лойиҳасини ишлаб чиқади ва бошқарма бошлиғига тасдиқлаш учун киритади;

Бўлим ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

Бошқарма йиғилишлари ва мажлисларида, шунингдек бошқарма раҳбариytининг топшириғига биноан Бўлим тасарруфига кирувчи масалалар бўйича идоралараро ишчи гурухлар ва ҳайъатлар фаолиятида иштирок этади;

Ишбилармонлик мұхити кузатувлари, тадбиркорликни ривожлантириш, ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси соҳасида норматив ва методологик ҳужжатларни ва давлат статистика кузатувлари шакллари лойиҳаларини ишлаб чиқилишини ташкил қилади;

Бошқарма бошлиғи ва унинг ўринbosарларининг Ишбилармонлик мұхити кузатувлари, тадбиркорликни ривожлантириш, ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикасига оид топшириқларига мувофиқ материалларни тайёрлайди, қўйилган вазифаларни янада самарали амалга ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилишини таъминлайди;

Бўлим ишининг самарадорлиги даражасини ошириш ва кадрлар билан тўлдириш чораларини кўради;

Бўлим кадрлари захирасини шакллантиришни ва янгилашни, кадрлар захирасига киритилган шахслар билан тизимли ишларни ташкил қилишни таъминлайди;

Бўлим ходимлари билан юклатилган вазифалар, кирувчи ҳужжатларни назорат қилиш ва тажриба алмашиб масалалари юзасидан йўриқнома бериш бўйича йиғилишлар ўтказади;

иш юритишни олиб бориш, топшириқларни ўз вақтида ижро этилишини қатъий назорат қилиш бўйича ишларни ташкил қилади, ходимлар томонидан хизмат ҳужжатлари билан ишлаш ва уларни сақлаш бўйича ишларнинг белгиланган тартибиiga амал қилинишини таъминлайди.

18. Бўлим бошлиғи вақтинчалик бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Бўлим бошлиғи ўринбосари бажаради.

#### **19. Бўлим бошлиғи ўринбосари:**

мутахассислар томонидан маълумотнома, таҳлилий, статистик ва бошқа материалларни, шунингдек худудий статистика органлари билан ишлаш бўлимга юклангандан масалалар бўйича қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини сифатли ва ўз вақтида тайёрланишини ташкил қиласди;

бириқтирилган муайян худуд бўйича давлат статистика хисоботларини белгилангандан муддатларда сифатли тақдим этилишини назорат қилиш, олинган маълумотларни таҳлил қилиш, улар асосида жамланма маълумотлар жадвалларини шакллантириш, асосий статистик кўрсаткичларни ҳисоблаш ишларини амалга ошириш ва фойдаланиш учун тайёрлаш;

тадбиркорлик, ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси бўйича олинган статистик маълумотлар асосида турли таҳлилий шарҳлар тайёрлаш;

тадбиркорлик, ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси бўйича статистик кузатувларнинг электрон маълумотлар базаси сақланишини ва асосий статистик кўрсаткичлар бўйича динамик қаторлар юритилишини назорат қилиш;

тадбиркорлик, ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси бўйича статистика методологияси ва инструментарийларини тайёрлаш ва такомиллаштириш жараёнида иштирок этиш;

статистик маълумотларни шарҳлаш, статистик кузатув шаклларини тўлдириш масалалари, маълумотларни йигиш ва қайта ишлаш услублари, статистик ҳисоб-китоблар ўтказиш, олинган маълумотларнинг ишончлилигини экспертизадан ўтказиш бўйича маслаҳатлар бериш;

тадбиркорлик, ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси маълумотларини йигиш, қайта ишлаш, сақлаш ва тақдим этиш бўйича дастурий таъминотларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш учун техник топшириқларни тайёрлашда иштирок этиш;

тадбиркорлик, ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси бўйича Давлат статистика ишлари дастурида белгилангандан ишлар ҳажмини баҳолаш учун зарур бўлган материалларни тайёрлаш;

вазифалар тақсимланишига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

бўлим бошлиғи бўлмаган вақтда унинг вазифаларини бажариш.

#### **20. Бўлим бош мутахассиси:**

функционал вазифаларига мувофиқ материаллар, таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли, ишончли ва ўз вақтида тайёрланиши учун шахсан жавоб беради;

илмий журналлар, халқаро ташкилотларнинг методологик нашрлари ва Интернет тармоғидаги материалларни ўрганиш асосида статистика соҳасидаги илғор хорижий тажрибани ривожлантириш ва статистика амалиётига жорий этиш бўйича таклифлар тайёрлайди;

бириқтирилган муайян худуд бўйича давлат статистика хисоботлари белгилангандан муддатларда сифатли тақдим этилишини назорат қилиш, олинган маълумотларни таҳлил қилиш ва жамланма маълумотларни тайёрлаш;

тадбиркорлик, ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси бўйича ҳисботларнинг электрон маълумотлар базасида сақланишини таъминлаш ва асосий статистик кўрсаткичлар бўйича динамик қаторларни юритиш ишларини амалга ошириш;

тадбиркорлик, ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси бўйича Давлат статистика ишлари дастурида белгиланган ишлар ҳажмини баҳолаш учун зарур бўлган материалларни тайёрлаш;

тадбиркорлик, ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси бўйича статистика услубияти ва инструментарийларини тайёрлаш ва такомиллаштириш жараёнида иштирок этиш;

статистик кузатув шаклларини тўлдириш масалалари, маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш услублари, статистик ҳисоб-китоблар ўтказиш, олинган маълумотларнинг ишончлилигини экспертизадан ўтказиш бўйича маслаҳатлар бериш;

статистик маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, саклаш ва тақдим этиш бўйича дастурий таъминотларни синовдан ўтказиш;

статистик тўпламлар, маърузалар, тезкор ахборотлар учун ҳамда фойдаланувчилардан келган сўровлар учун зарур бўлган маълумотларни тайёрлаш.

бўлим бошлигининг топшириғига мувофиқ жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини, шу жумладан электрон шаклдаги мурожаатларни, кўриб чиқиш учун зарур материалларни тайёрлайди, уларда кўрсатилган масалаларни ҳал қилиш бўйича лойиҳани тайёрлайди;

раҳбариятнинг топшириқларига мувофиқ жорий ишларни бажаради;  
вазифалар тақсимланишига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

## **21. Бўлим етакчи мутахассиси, 1-тоифали мутахассиси:**

бириклирлган муайян ҳудуд бўйича давлат статистика ҳисботлари белгиланган муддатларда сифатли тақдим этилишини назорат қилиш, олинган маълумотларни таҳлил қилиш ва жамланма маълумотларни тайёрлаш;

тадбиркорлик, ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси бўйича ҳисботларнинг электрон маълумотлар базасида сақланишини таъминлаш ва асосий статистик кўрсаткичлар бўйича динамик қаторларни юритиш иштирок этиш;

тадбиркорлик, ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси бўйича Давлат статистика ишлари дастурида белгиланган ишлар ҳажмини баҳолаш учун зарур бўлган материалларни тайёрлашда иштирок этиш;

тадбиркорлик, ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси бўйича статистика методологияси ва инструментарийларини тайёрлаш ва такомиллаштириш жараёнида иштирок этиш;

статистик кузатув шаклларини тўлдириш масалалари, маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш услублари, статистик ҳисоб-китоблар ўтказиш, олинган маълумотларнинг ишончлилигини экспертизадан ўтказиш бўйича маслаҳатлар бериш;

статистик маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, саклаш ва тақдим этиш бўйича дастурий таъминотларни синовдан ўтказишда иштирок этиш;

раҳбариятнинг топшириқларига мувофиқ жорий ишларни бажаради;  
вазифалар тақсимланишига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.